



## ЯНГИ ШИФОХОНА ИШ БОШЛАДИ

***Жондор тумани Т. Ҳотамов номли ширкат хўжалигига қарашли "Робот" қўрғонида қишлоқ врачлик пунктининг янги биноси фойдаланишга топширилди.***

Шифохона мудири Зайниддин Жумаевнинг айтишича, тўрт ярим минг аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун бу ерда барча шарт-шароитлар яратилди. Янги бинода тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган гинекология, стоматология, терапия, педиатрия хонаси бор. Аҳолига ўн етти нафар шифокор хизмат кўрсатмоқда.

## ХУСУСИЙ МЕҲМОНХОНА УЛУШИ

***Бухорода қирк ўринли "Шаҳристон-вояж" янги хусусий меҳмонхонаси ишга тушди.***

Меҳмонхонада мажлислар зали, ресторан, бар, почта бўлими ва валюта алмаштириш шохобчаси бор. Меҳмонхона раҳбари Камол Махмудовнинг айтишича, бу кейинги йилларда Бухорода қурилган ўттиз иккинчи хусусий меҳмонхонадир. Агар 2003 йилда 69,6 минг нафар саёҳатчига туристик хизмат кўрсатилган бўлса, жорий йилнинг ярим йилида бу кўрсаткич 33,6 мингни ташкил этди.

Ўтган йилда сайёҳлик хизматнинг 9,6 фоизи хусусий меҳмонхона ва фирмалар томонидан амалга оширилди. Жорий йилнинг биринчи ярмида эса бу кўрсаткич 9,9 фоизга тўғри келди. Демак, бу борада хусусий секторнинг улуши ортиб бормоқда.

**"Туркистон-пресс"**

«Норин тола» ҳиссадорлик жамиятини замонавий ишлаб чиқариш корхонасига айлантириш мақсадида бу ерда тўлиқ қайтадан қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда. Мазкур юмушларни бажаришда Наманган шаҳар қурилиш-таъмирлаш таъминот корхонасининг 80 нафар ва вилоят «Пахтасаноат» бирлашмаси тизимидаги қурилиш корхонасининг 300 нафар бунёдкорлари қўлни-қўлга бериб меҳнат қилишаётир. Ҳозиргача 500 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

**Суратларда: пайвандчи Собир Холмирзаев; чилангар Саидвали Дадажонов.**

**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**



## ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА
### касаба уюшма ташкилоти

***Жамоанинг жиддий эътирози фермер хўжалиги раҳбари Ғулом Фозиловни ўйга толдирди. У аъзолар истагидан келиб чиққан ҳолда мажлис ўтказишга рози бўлди.***

Четдан қараганда бир оз ғалатироқ туюлди, бу ташаббус. Дала ишчилари кўнглига ғулғулани аслида агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси раиси Абдурашид Рустамов солиб кетганди. Касаба уюшма вакили хўжалик ишлари билан яқиндан танишди, даладаги шароитни ўрганди. Ташкилотдаги янгиланиш жараёни, фермерлар қўлида ишловчилар ҳақ-ҳуқуқлари хусусида сўзлаб берди. Суҳбат поёнида фермер хўжалигида бошланғич ташкилот тузилса мақсадга мувофиқ бўлишини қистириб ўтди.

Бошланғич ташкилот тузсак, юким анча енгиллашаркан, деган ўй Ғулом Фозиловни сира тарк этмади. У ҳеч нарса йўқотмаскан. Битта беминнат кўмакчига эга бўларкан. Ахир, даласида оз эмас, кўп эмас ўттиз киши ишлайди. Бунинг устига улар бегона эмас. Ҳамқишлоқлари учун даромаддан озгина сарфласа куймайди. Шулар меҳнати туфайли давра тўрини бермасдан келаяпти. Ҳар йили шартномаларни ошириб бажаради. Шу каби фикр-мулоҳазалар билан аъзоларини йиғди. Талаб ва таклифлар ўртага ташланди. Якдиллик билан бошланғич касаба уюшма ташкилоти тузилиб, унга етакчи ҳам сайлаб олдилар.

Аслида Оқ олтин туманидаги «Тўқмоқ ота» фермер хўжалигини бошқалар билан солиштириб бўлмайди. Даласини чиннидек тутади. На пайкал, на унинг чеккасида бегона ўт уруғини ундиришади. Ишлари бежоғли. Ҳар кимнинг ўз иши, ўрни бор. Ҳеч ким юмуш ахтариб тентирамайди. Шунинг учун ҳам ишда тобора олдинга силжиш кузатилмоқда. 83 гектар ерга ғалла экишганди. Ҳар гектар ердан 52 центнердан хирмон кўтаришди. Механик ҳайдовчисига 3, қолган 29 нафар ишчига 2,5 тоннадан буғдой тақсимланди. Бунинг ойлик маош ва бошқа даромадларга дахли йўқ.

Ғулом Фозилов ишга ҳам, ҳисоб-китобга ҳам пухта. Ойига бажарилган юмушига қараб 15 мингдан 150 минг сўмгача ойлик маош белгилаб қўйган. Барча ходимлар билан меҳнат шартномаси имзоланган. Ҳафтанинг муайян куни, дала юмушлари долзарблигига қараб дам олиш куни қилиб белгиланган. Эътиборли жиҳати, барча ҳар куни далада бўлиши шарт эмас. Масалан, хўжалик мироблари. Улар уч киши. Сув қўйилаётганида 24 соатлик иш режаси ишлаб чиқилиб, тақсимланади. Смена билан иш юритилади. Қолган фурсатларда бир ҳафтагача дам олиш кунлари белгиланади. Қиш ойида 45 кунлик ҳақ тўланадиган таътил жорий этилган. Ишчиларни соғломлаштириш фермер хўжалиги ҳисобидан. Ўтган йили 37 миллион сўм соф фойда олишганди. Аксарият маблағ ходимлар ижтимоий муҳофазасига сарфланди.

Бу йил 129 гектар ерга пахта экишди. Бутун умид техникага боғланди. Механизатор Равшан Орзиқулов ёз бўйи тер тўкди. Унга меҳнатига яраша 150 минг сўмгача маош тўланди. Натижада ғўза баравж, машинабоп қилиб ўстирилди. Туман машина трактор парки билан шартнома имзоланиб, пахтани машиналарда териб олишди. Сарф-харажат бир неча баробарга қисқарди. Икки иш кунида 320 тонналик хирмон забт этилди. Соф даромад миқдори эса 30 миллион сўмдан ошди.

– Жамоамиз аҳил. Ютуқлар сири шундан бўлса керак, - дейди фермер. – Далада ишлаётганлар учун етарли шароит яратиб берганмиз. Меҳнат шартномасига қатъий амал қилишга интилаяпмиз. Амалдаги йилдан эътиборан бепул нонушта ва тушлик ташкил этдик. Даромадимиз йилдан-йилга юксалаяпти. Топган пулимизни ходимлар шароитини янада яхшилашга сарфлаймиз.

Фермер даласида ишлаётганлар эҳтиёжини тўлароқ қоплаш ниятида ғалладан бўшаган майдонларга ҳам такрорий экин эктирди. Сабзавот ва полиздан мўл ҳосил кўтарилди. Буям жамоа ўртасида тенг тақсимланаяпти. Энг муҳими, фермер эътирофича, кўнгилсиз ҳолатларга йўл қўйилмаяпти. Бошланғич ташкилот ташаббуси билан ходимлар фарзандларига бепул китоб-дафтар олиб бериш, тарихий шаҳарларга саёҳат режалаштириб қўйилибди. Ўтган йили кам таъминланган хонадонларга 10 тонна буғдой тарқатилган бўлса, истиқболдаги йилда бу миқдор яна оширилиши мўлжалланаётир.

Ҳа, «Тўқмоқ ота» фермер хўжалиги жамоаси ана шундай хайрли орзулар оғушида яшаяпти. Уларнинг рўёбга чиқишида фермер касаба уюшма бошланғич ташкилотига суянмоқда.

**Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири**

*Бор бўл, оқибат!*

## НУРОНИЙЛАР ДУОГА ҚЎЛ ОЧИШДИ

***Қоровулбозор туман ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари З.Жумаев, «Маҳалла» жамғармаси раиси Ч.Қурбонов ва туман ижтимоий таъминот бўлими мудири А.Тошевлар Жарқоқ қишлоғида яшовчи Оллоберди бобо хонадонига кириб борганларида қариянинг кўнгли тоғдек кўтарилди. Туман фаоллари меҳнат фахрийсига жамғарма ҳисобидан моддий ёрдам пули ва озиқ-овқат маҳсулотлари топширдилар.***

– Биз ёлғизларни унутмаганларга раҳмат, - деди саксон ёшли отахон дуога қўл очиб. – Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин.

– Эзгу ишнинг катта-кичиги бўлмайди, - дейди нафақахўр Марям момо Сайфиддинова. – Яхши ва хайрли амаллар одамлар хотирасида абадий сақланиб қолади. Аҳиллик ва поклик, меҳр ва мурувват инсон ҳаётининг мезонига айланганида ўтган умрингга шукроналар айтасан.

Бухоро вилоятининг чўлда ташкил этилган кенжа туманида кексаларга эъзозу ҳурмат, иззату эҳтиром кўрсатилаяпти. Туман ҳудудида истиқомат қилаётган пенсионер ва ногиронларнинг турмуш тарзи, яшаш шароити ўрганилиб, кам таъминланган оилалар ва якка-ёлғиз қариялардан ўттиз нафари ҳомий ташкилотларга биркитиб қўйилган.

Бундан икки йил муқаддам туман ҳокимининг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига кўрсатилаётган манзилли ёрдамини кучайтириш тўғрисида» қарори қабул қилиниб, ижроси мутасадди ташкилотларга топширилган эди. Унга асосан пенсионер ва ногиронлар ҳолидан хабар олиниб, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Шу кунга қадар биркитилган корхона, ташкилот ва муассасалар ёрдамга муҳтож кишилар учун 10 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратди. Ўзгалар парваришига муҳтож 18 нафар ёлғизларга туман поликлиникаси томонидан икки нафар участка шифокори биркитилган. Нуронийлар тўлиқ диспансер кўригидан ўтказилиб, тегишли муолажалар амалга оширилди. Ижтимоий таъминот бўлимининг 3 нафар ходими қарияларнинг аҳволидан хабар олиб, уй-рўзғор ишларини бажаришда яқиндан кўмаклашаяпти. «Сардоба» кичик корхонаси уларга 500 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берди.

Туманда 898 нафар пенсия ва нафақа олувчилар бўлиб, иккинчи жаҳон уруши ногиронлари, меҳнат фахрийлари ва бошқа имтиёзли пенсионерларга бепул дори-дармонлар тарқатилди. Ўн нафар нафақахўр Олтиариқ, Косонсой ва Товоқсой санаторийларида текин даволаниб келди. 41 нафар қария Когон шаҳридаги «Чашм гавҳари» муассасаси кўригидан ўтказилиб, саккиз нафари тўлиқ даволанди. Уларнинг кўриш қобилияти тикланди.

Кам таъминланган оилаларга маҳаллий бюджетдан 2 миллион, икки ёшгача боласи бўлган оналарга 18 миллион, 16 ёшгача фарзанди бор оилаларга 1,5 миллион сўмлик моддий ёрдам берилди.

Қариялар ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш соҳасида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, «Ўзнефтгазқудуқтаъмирлаш», «Бухоронефтгазпармалаш», «Ўзнефтгазқурилиштаъмир» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари, «Ўзбуравтотранс», Қоровулбозор нефтгаз ишчилар таъминоти ташкилотлар жамоалари ёрдамга муҳтож кишиларни моддий жиҳатдан доимо қўллаб-қувватлашмоқда.

Туман ижтимоий таъминот бўлими ходимлари пенсияга оид ҳужжатларни тайёрлаш, расмийлаштириш, турли нафақа, компенсация тўловлари, суюнчи, товон пуллари ва бошқа хизматларни бажаришда ўз вазифаларини сидқидиллик билан адо этиб келишаяпти. Шунинг учун қоровулбозорлик қариялар кўрсатилаётган ижтимоий муҳофазадан бениҳоя мамнун бўлиб, меҳр-оқибатли инсонларга миннатдорчилик изҳор қилишаяпти.

**И.ИСОМИДДИНОВ**

## ТУНГИ СМЕНАДА ИШЛОВЧИЛАРГА ИМТИЁЗ

«Пахтакор тола базаси» масъулияти чекланган жамиятнинг фаолият бошлаганига эндигина бир йил тўлди. Ўтган ана шу қисқа даврда корхона жамоасининг аҳиллиги, фидокорона меҳнати туфайли анча ютуқларга эришилди. Аввало, 75 нафар киши доимий иш билан таъминланди. Жамоага ўз ишининг усталари, меҳнатсевар кишилар жалб қилинди.

Жиззах вилоятидаги 8 та пахта тозалаш корхоналари тайёрлаган 38 минг 445,4 тонна пахта толаси бу ерда қабул қилиниб, истеъмолчиларга шартнома асосида пешма-пеш жўнатилмоқда. Ҳозиргача Италия, Жанубий Корея, Сингапур, Туркия, Буюк Британия, Франция, Россия сингари ўнлаб мамлакат истеъмолчиларига 24 минг 689,7 тонна пахта толаси жўнатилган бўлса, ички истеъмолчиларига 10 минг 219,8 тонна тола юборилди. Жорий йил ҳосилидан 745 тонна тола экспорт қилинди.

Корхонада бўлиб, ишчи-хизматчиларга яратилган шарт-шароит билан қизиқдик. Жами 83 нафар киши меҳнат қиладиган мазкур жамоа касаба уюшма қўмитасига Зукур Қобилов раислик қилмоқда. Ишчиларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш жамоа шартномасида тўла акс этган. Унда иш берувчи ва касаба уюшма қўмитасининг мажбуриятлари, ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолият, меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат шартномаси, бандлик кафолатлари, иш ва дам олиш вақти, меҳнат муҳофазаси ҳамда интизоми, ижтимоий имтиёз ва кафолатлар, маданий-оммавий, жисмоний тарбия, соғломлаштириш каби 13 бобдан иборат кафолатлар белгилаб қўйилган.

Вазифани зарур даражада бажарганлиги, меҳнатда юқори кўрсаткичга эришганлиги ва бошқа ютуқлар учун корхона ходимлари қўшимча рағбатлантирилади.

Корхонада ҳар кунги ишнинг муддати 7 соатдан бўлган 6 кунлик иш ҳафтаси белгиланган. Ходимларга оилавий сабабларга кўра 10 кун, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётган ходимларга 40 кун иш ҳақи сақлаб қолинган ҳолда таътил берилмоқда.

Ўртача иш ҳақи энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида белгиланган бўлиб, ҳозирда 70 минг сўмни ташкил этаётир. Иш ҳақи узлуксиз бериб борилмоқда.

Жорий йилда корхонада 369 миллион 749 минг сўм фойда олиниши режалаштирилган. Корхона ишлаб чиқариш дастурига киритилган режаларнинг бажарилиши тўғрисида ҳар чоракда меҳнат жамоасини мунтазам равишда хабардор қилиб туради.

Болали аёллар ва 18 ёшга тўлмаган ходимларга қўшимча 12 кун таътил берилмоқда. Уларга ойлик маоши сақланган ҳолда икки соат иш вақти қисқартирилган. Бу ерда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароити яратилган. Ана шу мақсадлар учун жорий йилда 700 минг сўм маблағ ажратилди. Ундан мақсадли фойдаланишни касаба уюшма қўмитаси қаттиқ назоратга олган.

Тунги сменада ишловчи ходимлар бир маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминланган. Ходимлар ва уларнинг фарзандлари саломатликларини мустаҳкамлаш йўлида ҳам қатор ишлар қилинаяпти. Ўтган 6 ойда икки киши санаторийларда имтиёзли соғломлаштирилган бўлса, 4 нафар бола «Наврўз» оромгоҳида бепул дам олдирилди.

Корхона лойиҳа қувватида ишлай бошласа, 75 минг тонна пахта толаси ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлади. Шу боис бош пудратчи Тошкент - «Маҳфуза» хусусий қурилиш ташкилоти бунёдкорлари уни кенгайтириш ишларини давом эттиришаяпти. Улар ҳозиргача 508 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардилар. Ободонлаштириш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Қишга тайёргарлик ишлари ҳам меъёрида бажарилди.

Корхонада кунлик иш вақтидан унумли фойдаланиб ҳурмат-эъзозга сазовор бўлаётганлар анчагина. Фахриддин Бобоназаров, Баҳодир Қўшаев, Нарзулла Норбўтаев, Мусаввар Файзиева, Баҳодир Умаровлар ана шулар жумласидандир.

Яқинда касаба уюшма қўмитаси яна бир хайрли ишга қўл урди. Корхонанинг илғор ишчиси Эргаш Абдуллаевнинг никоҳ тўйини ўтказишга бош-қош бўлди. Унинг барча харажатларини маъмурият ва касаба уюшмаси зиммасига олди.

**Абдуманноп АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири**

*Бандлик дастури - амалда*

## ИШСИЗЛИК МУАММОСИ ҳал этилмоқда

***Меҳнат - ижтимоий муҳофаза кафолати. Шу боис ҳам янги иш ўринлари яратиш, ишсизликка барҳам бериш бугунги куннинг асосий вазифасига айланган. Фарғона вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан бу муҳим вазифани адо этиш мақсадида бир талай ишлар амалга оширилмоқда.***

Бандлик дастури асосида ишлаб чиқариш иншоотларини фойдаланишга топшириш, қувватлардан тўлиқ фойдаланиш, бозор инфратузилмаси ва кичик бизнесни кенг ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринлари бунёд этилмоқда. Аниқроқ қилиб айтганда, жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида вилоятда 33 минг 587 та янги иш ўрни яратилди. Бунда кичик бизнес субъектларининг салмоғи 93 фоизга тўғри келди. Шу жумладан, ўтган вақт давомида деҳқон хўжаликларида 1 минг 908 та, фермер хўжаликларида эса 8 минг 347 та янги иш ўрни ташкил қилинди.

Меҳнат бўлимларига шу йил бошидан буён 53 минг 705 нафар киши мурожаат қилган бўлса, уларнинг аксари иш билан таъминланди. 6 минг 441 кишига ишсизлик мақоми берилиб, шундан 1 минг 559 нафари қайта ўқишга, 2 минг 458 нафари эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилди. 184 нафар фуқаро муддатидан илгари нафақага чиқарилди. Шу пайтгача ўтказилган меҳнат ярмаркаларида салкам 2 минг кишига йўлланма берилди.

- Дарҳақиқат, вилоятимиздаги корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» ярмаркаларини мунтазам равишда ташкил этишга катта эътибор қаратяпмиз, - дейди бошқарма бошлиғи Шокиржон Ғаниев. - Меҳнат бозорига мумкин қадар кўпроқ аҳолини жалб этиш, корхоналар тўғрисида батафсилроқ тушунча бериш ҳаракатидамиз.

Бошқарма томонидан янги иш ўринлари яратиш мақсадида тадбиркорларга имтиёзли кредит бериш йўлга қўйилган. Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида кичик бизнес ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича 110 нафар тадбиркорга қарз берилди. Бундан ташқари, айни кунларда бошқарма вакиллари маҳаллаларда мониторинглар олиб боришмоқда. Муддао ишсизларни сафга тортиш, улар истаклари асосида ишга жалб этишдан иборатдир.

Кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва якка-ёлғиз қарияларни ижтимоий муҳофазалаш каби долзарб масалалар доимий эътиборда. Шу пайтгача 646 нафар кекса ногирон, боқувчисини йўқотган кишилар тиббий кўрикдан ўтказилди ва соғломлаштирилди. Юртимизнинг турли бурчакларидаги сиҳатгоҳларда дам олиш учун 1 минг 899 та йўлланма тарқатилди. 139 нафар ёлғиз қариялар ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларнинг уйи таъмирланди. Бунинг учун 17 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Шунингдек, кам таъминланган оилаларга 88 миллион 473 минг сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди.

**Сурайё АГЛАЕВА, «Ишонч» мухбири**

## ТАШАББУС ОММАЛАШАДИ

Пахтаобод туман маркази аҳолисининг ташаббуси билан "Омад" уй-жой мулкдорлари ширкати" нодавлат нотижорат ташкилоти тузилди.

Ширкатнинг вазифалари аҳоли истиқомат қиладиган уйларда коммунал хўжаликни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, иситиш ва сув ўтказувчи тизимларининг капитал ва жорий таъмирлашдан иборат. Шунингдек, "Омад" ширкатдаги аҳоли ўртасида чиқадиган низоларни бартараф этишда ҳам кўмаклашади.

**"Туркистон-пресс"**

## БАНК КЎМАГИ

***Осиё Тараққиёт банки ва "Тадбиркор аёл" уюшмасининг тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ҳамкорликдаги лойиҳаси асосида Бухоро вилоятида икки йил ичида 600 нафардан зиёд аёл ўқув машғулотларида таҳсил олди.***

"Тадбиркор аёл" уюшмасининг вилоят бўлими раҳбари Дилбар Аҳмедованинг айтишича, икки йил мобайнида аёллар учун 200 та иш ўрни очилди. Уч юз нафар аёл "Умид" кредит уюшмасининг хизматидан фойдаланди. Жорий йилда Осиё тараққиёт банки "Умид" кредит уюшмасининг молия менежментлари тайёрлашга қаратилган лойиҳасини қувватлаб, 150 нафар аёлни ўқитишга кўмаклашди.

*Истеъмолчи манфаати муқаддас*

## СОХТА ТАДБИРКОРЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва ҳукуматимизнинг унинг ижросини таъминлаш юзасидан қабул қилган қарорлари аҳолини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган.

Қашқадарё вилоятида ички бозорни тартибга солиш, четдан ноқонуний йўллар билан маҳсулотлар келтирилишининг олдини олиш бўйича бир мунча ишлар амалга оширилаяпти. Вазирлар Маҳкамасининг «Спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори талабларини қўпол равишда бузиб, сифатсиз, божхона ҳужжатларисиз, инсон ҳаёти учун зарарли спиртли ичимликлар савдоси билан шуғулланаётган фуқаролар борлиги кишини ташвишлантиради.

Қарши шаҳрида яшовчи М.Маҳмудова ноқонуний йўллар билан келтирилган истеъмолга яроқсиз маҳсулотлар савдоси билан машғул бўлган. Сохта тадбиркор сифат кафолатини ва божхона ҳужжатларига эга бўлмаган четда ишлаб чиқарилган 219 минг 591 сўмлик этил спиртини фуқаро Т.Тўраевга сотаётган пайтда солиқ хизмати ходимлари томонидан ушланди. Агар заҳри қотил истеъмолга чиқарилганда эди, қанчадан-қанча одамлар заҳарланиб, соғлиғига путур етган бўларди.

Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро Зебо Қурбонова Умакай йўл-патрул хизмати постидан 58,5 литр спиртни олиб ўтаётганда қўлга тушди. Яна бир гуруҳ сохта тадбиркорлар Қозоғистонда ишлаб чиқарилган 250 шиша «қўлбола» арoқ ва 115 литр спиртни яширин ҳолатда олиб ўтмоқчи бўлишган. Инсон соғлиғига зиён етказувчи маҳсулотлар мутасадди идоралар томонидан йўқ қилиб ташланди.

Китоб тумани маркази Ҳамид Олимжон кўчаси 72-уйда яшовчи Шоира Эргашева 145,5 литр спиртни харидор Абдурашид Эшмуродовга сотаётганда қўлга тушди ва қонунсиз хатти-ҳаракати учун 150 минг сўм жарима тўлади. Давлат солиқ бошқармаси ва йўл патрул хизмати ходимлари билан ҳамкорликда Чироқчи туманида қўшма рейд ўтказганда Умакай постида давлат белгиси 11 А 15-83 рақамли «Москвич» русумли енгил автомашинасида Косон тумани Бойғунди қишлоғида яшовчи Тўхтамурод Мирзаев ҳеч қандай ҳужжатсиз ва рухсатномасиз, акциз маркаси билан тасдиқланмаган 208,5 литр спирт олиб келаётганлиги аён бўлди.

Шаҳрисабз шаҳри Увайсий кўчаси 17-уйда яшовчи Фарҳод Фозилов анча вақтдан буён яширин равишда шароб ва арoқ ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келган. Натижада стандарт талабларига жавоб бермайдиган қанчадан-қанча маҳсулот савдо дўконлари ва бозорга чиқарилган. Солиқ ходимлари аралашуви билан цех фаолияти тўхтатилиб, турли ҳажмдаги идишлар, қалбаки акциз маркалари далилий ашё сифатида мусодара этилди.

– Мақсадимиз фақат жарима қилишдан иборат эмас, - дейди биз билан суҳбатда вилоят солиқ бошқармаси бошлиғи Нурмат Джулибеков. – Энг муҳими истеъмол бозорида харидорларга юқори сифатли ва истеъмолга яроқли озиқ-овқат маҳсулотлари сотилишини таъминлашдир.

Ноқонуний ҳаракатлар жамият ва халқ манфаатларига зиён етказади. «Қишлик» ширкат хўжалигининг Қайнар қишлоғида фаолият кўрсатаётган якка тадбиркор Шавкат Жумановнинг дўконида қалбаки акциз маркалари қўйилган «Комерсант», «Солнечная долина», Қарши шаҳридаги «Тафаккур дурдонаси» фирмаси дўкони сотувчиси У.Ниёзов тегишли ҳужжатлари бўлмаган «Стандарт», «Королева», «Январ» арoқларини бемалол савдога чиқаришган.

**Иззат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири**

## БОЛАЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ

Иштихон туманидаги Мишон қўрғонида замонавий спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Мажмуада ёшлар спортнинг волейбол, баскетбол, қўл тўпи, минифутбол ҳамда шарқ яккакураши турлари билан шуғулланишмоқда.

Мазкур спорт иншоотининг қурилиши учун вилоят Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси 100 миллион сўм, "Уч қаҳрамон" ширкат хўжалиги эса 30 миллион сўм маблағ ажратди. Шунингдек, лойиҳа "Камол" кичик корхонаси, Мишон пахта тозалаш заводи ва бозорлар маъмурияти томонидан қўллаб-қувватланди.

**"Туркистон-пресс"**

*Ислоҳот инсон учун*

# ХОНҚАЛИКЛАР ҲАЁТИДА ТЕМИРЙЎЛНИНГ АҲАМИЯТИ

***Хонқаликларнинг қишлоқ хўжалигида бу йилги эришган ютуқларига тўхталишдан аввал бир нарсага алоҳида эътибор қаратиш ўринли бўлади. Туман бу муҳим тармоққа кенг ихтисослашган. Бироқ заминдан мўл-кўл маҳсулот етиштириш учун бошқа жойлардагига қараганда катта меҳнат ва сарф-харажат қилиш талаб этилади. Масалан, водий деҳқонлари экин-тикинни саранжомлаб, шудгордан сўнг бир оз тин олишса, Хоразм миришкорлари қишда ҳам ишни сусайтиришмайди. Чунки ер суриб текисланмаса, яхоб сувига қондирилмаса, деҳқон ютқазиб қўйиши тайин.***

Боз устига, ўтган йиллардаги қурғоқчиликлар анча-мунча муаммоларни келтириб чиқарганди. Ҳукуматимизнинг табиий офатни бартараф этиш учун воҳага ажратган маблағи деҳқонга мадад бериб, натижаси зое кетмади. Уч ярим минг гектар майдондан ўртача 40 центнердан сара дон йиғиштириб олинди. Асосий бойлигимиз - пахтачиликда эса кейинги тўрт йил оралиғида илк бор юқори самарага эришилди. Мавсум бошиданоқ 11 минг гектарга қадалган чигит агротехника талаблари асосида парваришланди. Далада банд бўлган деҳқон ўз вақтида рағбатлантирилиб, иш ҳақига қўшимча мукофотлаш тадбирлари жорий қилинди. Бунинг натижасида ҳосилдорлик 24 центнердан 33 центнерга ошиб, йиллик режа ортиғи билан уддаланди. Тумандаги «Хоразм», «Дўстлик», «Олтин соҳил» каби ширкатлар, «Отабек-96», «Қуронбой-Солой», «Санжар», «Самандар Рўзиев» сингари фермер хўжаликларида гектаридан 34-37 центнердан «оқ олтин» хирмони бунёд этилди.

Миришкорлар унумли меҳнат қилиш қаторида маблағни тежаш, сарфлаётган ҳар сўми якунда қанча фойда келтиришини ҳам ҳисоблашади. Шу боис 2001 йилга нисбатан пахтачиликдан ҳосилдорлик ўртача 9,5 центнерга, рентабеллик даражаси 26 фоизга ўсди. Бу - биргина шу соҳанинг ўзидан миллионлаб сўм соф фойда дегани. Ана шу даромад ҳисобидан туманда ўнлаб янги техника сотиб олинади, 15 та қишлоқ врачлик пункти қуриб битказилади, кам таъминланган оилалар қўллаб-қувватланади ва 140 нафар меҳнаткаш турли санаторийларда дам олиб, соғликларини тиклаб оладилар. Шунингдек, чекка қишлоқлардаги 14 километр йўллар асфальтланди.

Бунга албатта ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Айниқса, туман «Қишлоқхўжаликкимё» бўлими жамоасининг саъй-ҳаракати катта эканлигини таъкидлаш жоиз. Йил бошидаёқ улар томонидан 9 та ширкат ва 240 та фермер билан тузилган шартномага асосан 12 минг тонна ўрнига 15 минг тонна минерал ўғит етказиб берилди.

Бўлим бошлиғи Баҳодир Аллабергановнинг таъкидлашича, хўжалик ва фемерлар билан тузилган шартноманинг бекаму-кўст уддаланишида янги темир йўлнинг ишга туширилиши катта аҳамият касб этди. Чунки у жойлардан ўғит ташиб келтиришдаги қийинчиликларга барҳам бериш қаторида миллионлаб сўм маблағни тежашга имкон яратди. Қолаверса, жорий мавсумда ҳар гектарига бир тоннадан ўғит тушишини таъминлашга эътибор қаратилганлиги ва уни талон-торож қилишга йўл қўйилмагани деҳқон меҳнати самарасини юзага чиқарди.

«Қишлоқхўжаликкимё» корхонаси мутахассислари ташаббуси билан тежалган маблағ ҳисобидан маҳаллий ўғитдан 10 минг тонна компас тайёрланиб, хўжалик ва фермерларга етказиб берилди. Пахтачиликда ҳосилдорликнинг ошишида ва экин майдонлари ҳолатининг яхшиланишида бу услуб айниқса, асқотганлигини деҳқонлар алоҳида таъкидлашмоқда. Шу боис, ҳозирги кунда бўлим мутахассислари даланинг ўзида махсус жойлар ажратиб, келгуси йил учун пухта тараддуд кўришни бошлаб юборишган.

Бўлимда меҳнат аҳлини ижтимоий-муҳофаза қилишдаги ишлар ҳам киши диққатини тортади. Жамоа ўзини-ўзи моддий таъминлашга алоҳида эътибор бериб келаяпти. Мавжуд техникалардан самарали фойдаланилганлиги ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш турлари кўпайганлиги ҳисобига 18 миллион сўм соф даромад қилишга эришилди. Фойда ҳисобидан ишчиларни ойма-ой тақдирлаб бориш йўлга қўйилди. 30 нафар кам таъминланган кишилар оталиққа олинди. 3 миллион сўм туман шифохонасига, Махтумқули номли мактаб ўқувчиларига компютер совға қилинди, Навхоз қишлоғидаги врачлик пунктига эса 500 минг сўмлик моддий ёрдам берилди.

Биз туман қишлоқ хўжалиги салоҳиятининг барқарорлашувида «Қишлоқхўжаликкимё» корхонасининг ҳиссаси ва олиб борилаётган ишларига бир оз тўхталдик. Аслида бунда хоҳ корхона бўлсин, хоҳ ташкилот бўлсин, барчасининг қайсидир маънода ўз улуши бор.

**Ҳ.АБДУСАМИЕВ**



Инсон саломатлиги йўлида қилинган ҳар қандай иш миллат ва жамият учун муҳим аҳамиятга эга. Буни яхши англаган Хива туманидаги Қўзибой Нурумов раҳбарлик қилаётган хусусий шифохона ходимлари зиммадаги масъулиятли вазифани сидқидилдан адо этиб келишмоқда. Шифохонада ҳар бир чақалоқнинг соғлом дунёга келишини таъминлаш, оналар соғлиғини муҳофазалаш юзасидан аниқ тадбирлар амалга ошириляпти.

**Суратларда: хусусий шифохона ҳаётидан лавҳалар.**

**Б.ЭРНАФАСОВ олган суратлар.**






*2004 йил—Меҳр ва мурувват йили*

# ЭЗГУЛИК МУҲАББАТДАН ЯРАЛАДИ

Меҳр-мурувват ҳар бир инсоннинг ички оламидаги эзгулик қуёшидир. Бундай фазилат соҳиблари ҳамиша халқ олқишида бўладилар. Тошкентлик темирчи уста бағрикенг, меҳр-мурувватли инсон бўлгани учун ҳам ўн тўрт норасида етим болаларни тарбиялаб вояга етказган. Жанггоҳларда ота-онаси, жигарларидан айрилиб, сарсон-саргардон болаларга меҳр кўрсатган самарқандлик аскар йигитдек фидойилар оз эмас. У ўн саккиз нафар етим болага ота бўлиб бошини силаган.

Меҳр-мурувват улуғланган оилада, жамиятда оқибат, кучли ҳаёт файзиёб бўлади. Одамлар, инсонпарвар бўлинг! Бу сизнинг биринчи бурчингиз, деб айтган экан алломалардан бири.

Биз эшикдан кириб келган одамни очиқ чеҳра билан кутиб оламиз. Боримизни дастурхонга қўйиб, меҳмонга чой тутамиз. Биз қўли очиқ, меҳр-шафқат ила мурувватли, раҳмдил халқ сифатида дунёга танилганмиз.

Жаҳонгир Искандар Арастудан сўрабди:

– Дунёнинг саодати нимадандур?

– Меҳр-мурувват, саховат, эҳсонда, - деб жавоб берган экан буюк олим.

Қуръони каримда шундай ояти калима бор: «Эй, Муҳаммад, сиздан кимга эҳсон қилиш ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Нимаики хайр-эҳсон қилсангизлар, ота-она, қариндошлар, етимлар, мискинлар ва мусофирларга қилинглар! Ҳар қандай қилган эҳсонларингизни Аллоҳ билиб тургувчидир».

Сахийликда Ҳотамнинг довруғи оламни тутган экан. Яман мулкининг подшоҳи сахийликда Ҳотамдек ном чиқаришни ният қилиб, Ҳотам бир саҳройи кишидир, унинг на тожи, на тахти, на оламгирлик қуввати бор. Унинг бир неча оти, туяси, қўйлари бор, холос. Шу аҳволда у қандай қилиб сахийлик қилсин? Мен эса Ҳотамнинг бир йиллик ҳосилини бир кунда бир гадойга бераман. Унинг юз меҳмондорчилигини бир меҳмоннинг эрталабки нонуштасига сарфлайман. Қисқаси мен отда бўлсам, у пиёдадир», дебди. Подшоҳ бир куни мамлакатда базми жамшид ташкил этади. Бутун халқ йиғилади. Дастурхонга анқонинг уруғидан бўлак ҳамма нарса тортилган бўлади. Меҳмонлардан бири оғзидан бол томиб, Ҳотамнинг сахийлигидан гапира бошлайди. Подшоҳ буни эшитиб, ҳасад ўтида ёнади. Токи Ҳотам тирик экан, ҳеч ким мени сахий деб мақтамайди, деб хуноб бўлади. Пулга имонини сотадиган бир каззоб ўғрини чақириб, унга буюради:

– Той қабиласига бориб, бор ҳийлангни ишга солиб, Ҳотамни ўлдириб қайтасан. Шу ишни уддаласанг, кўп инъомлар оласан. Айёр ўғри Той қабиласи яшайдиган масканга етиб боради. Чўлда чеҳраси очиқ, самимий, давлатмандлиги юзидан билиниб турган бир кишини учратади.

– Қаердан келяпсиз, меҳмон, қаерга борасиз?

– Ямандан келяпман. Шомга бораяпман.

– Бу кеча менинг кулбамга ташриф буюрсангиз, хизматингизда бўлайин.

Йўловчи рози бўлади. Мезбон уни тансиқ овқатлар билан сийлаб, иззат-ҳурматини жойига қўяди.

Меҳмон ётиш олдидан дардини айтади.

– Яман подшоҳи шу ўлкада Ҳотам исмли бир киши борлигини эшитибди. Сахийликда, меҳр-мурувватда машҳур эмиш. Бу хабарни эшитган подшоҳ ҳасад ўтида ёниб, «уни топиб, ўлдириб, бошини олиб келсанг, катта инъом бераман» деган. Менга ёрдам берсанг, Ҳотамни топиб, ўлдириб, подшоҳнинг мол-мулкига эга бўлардим.

– Мен Ҳотамман, мана, вақтни ўтказмай, бошимни кесгилу хотиним ва хизматкорларим хабардор бўлмасидан тезроқ изингга қайт. Яман подшоҳининг муроди ҳосил бўлсин.

Ўғри бу киши Ҳотам эканлигини билгач, йиғлаб унинг пойига йиқилади, унинг қадам изларини ўпиб, тавба қилади.

– Сендек саховатли, олижаноб одамни ўлдирмасман.

Ўғри подшоҳ ҳузурига бориб, бўлган воқеани унга гапириб беради. Подшоҳ ҳам Ҳотамнинг сахийлигига тан бериб, одамзот орасида бундай саховатли инсон йўқ, дейди ва шундай байт айтади:

**Юз минг ўлғай бу жаҳонда, бергувчи кишига дирам,**
**Лек кимдур ул кишиким жонини қилғай карам.**

Эзгулик, меҳр-мурувват кўрсатиш ҳар қандай юксаклик сари қўйилган қадамдир. «Қўли очиқнинг – йўли очиқ» дейди халқимиз.

**Нафинг агар халққа бешак эрур,**
**Билки, бу наф ўзингга кўпрак эрур,**

деб қулоғимизга қуядилар бобомиз Алишер Навоий.

Дарҳақиқат, бирор бир кимсага яхшилик қилсанг, шуни билки, сенинг саховатинг, меҳрибонлигингдан у беҳад шод бўлгани каби, сенга ҳам шунчалик завқ насиб этади. Яхшилик ерда қолмас. У бир неча баробар кўпайиб, ўзингга қайтади. Эзгулик фақат муҳаббатдан туғилади. Ўзимизга раво кўрганни, бошқаларга ҳам раво кўрсак, ўзимизга раво кўрмаганни, бошқаларга ҳам раво кўрмасак, яхшилик, эзгулик, меҳр-мурувват шундан бошланади.

Тошкент музофотида қадимдан савоб ишга бел боғлаган, одамларнинг оғирини енгил қилишга доимо шай турган ўспиринларни мирза йигит деб алқайдилар. Раҳматли Зебинисо бувимлар болалигимда менга тарбия бериб: «Жоним болам, эрталаб Аллоҳнинг номини зикр қилиб, ўқиш ё ишлаш учун кўчага чиққанингизда «Бугун одамларга менинг ёрдамим тегсин, мени Аллоҳ қўллаб-қувватласин, деб ният қилинг. Шу ниятингиз нафл намозига ўтади» деб айтар эдилар. Қариндош-уруғ, маҳалладош, юртдошлар ғамини еб, умргузаронлик қилиш буюк бахт-саодат манбаидир. Одамларга, жамиятга керак эканлигингни дилдан туюш кишига қанчалар ҳузур-ҳаловат бағишлайди.

**А.КАРИМОВ**

# ФРАНЦУЗЛАР САМАРҚАНДДА

Француз ишбилармонларининг Самарқанд вилояти тадбиркорлари билан учрашуви чоғида ўзаро фойдали ҳамкорлик ҳақида келишиб олинди.

Вилоят Савдо-саноат палатасининг маълумотига кўра, хорижлик бизнесменларнинг Самарқандга ташрифидан мақсад, Францияда ишлаб чиқарилаётган товарларга бўлган талаб ва эҳтиёжни ўрганиш ҳамда муназам ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат.

Франциялик меҳмонлар бутун жаҳонга машҳур қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун ихтисослашган "Дозатрон интернешня", "Ришель" ва "Анжуавтоматик" фирмаларининг янги маҳсулотларини намойиш қилдилар. Булар суғоришнинг миқдори ва даража меъёрининг автоматлаштирилган назорати, плёнкали иссиқхоналар ва бошқалардир.

**"Туркистон-пресс"**

*Газетхон илтимосига биноан*

# МАЖБУРИЙ ИЖРО

## қандай амалга оширилади?

***Олий Мажлис томонидан 2001 йил 29 августда қабул қилиниб, 2002 йил 1 январдан амалга киритилган «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонун ҳуқуқ тизимида ўзига хос янгилик бўлиб, суд ислоҳотларини янги босқичга олиб чиқди. У амалиётга жорий этилгандан сўнг жиноят, фуқаролик, хўжалик ва холислар судининг қарорлари, чет эл судлари арбитражлари қарорлари, суд буйруқлари, нотариусларнинг ижро хатлари, меҳнат низолари комиссиясининг гувоҳномалари, ишларни маъмурий тартибда кўриш ваколатига эга бўлган органлар қарорлари бўйича чиқарилган ижро ҳужжатларининг мажбурий ижро этилиши туман, шаҳар суд ижрочилар бўлинмаларига юклатилди.***

Бундан ташқари, мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш билан боғлиқ ижро ҳужжатларининг ижроси 2003 йилнинг 21 январида қабул қилиниб, 2003 йилнинг 1 февралидан қонуний кучга киритилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни ҳисобга олиш, баҳолаш ва сотиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори билан эса мол-мулкларни давлат даромадига ўтказиш билан боғлиқ ҳар қандай органнинг ижро ҳужжати бевосита суд ижрочилари томонидан амалга оширилиши белгиланди. Ушбу қарорнинг 2-иловасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 151-сонли, 1997 йил 295-сонли қарорларининг мусодара қилинадиган ва эгасиз мол-мулкка оид қисми ҳамда 2001 йил 172-сонли қарорнинг 9-бандлари ўз кучини йўқотганлиги маълум қилинди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган солиқларни корхоналар ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарорига асосан хўжалик судининг қарори асосида қарзни қарздор корхонанинг мол-мулкидан ундириб олиш белгиланган тартибда амалга оширилиши суд ижрочиларига яна бир масъулиятни юклайди. Шу билан бирга тегишли тартибда нархланган автомототранспорт воситаларини ким ошди савдолари орқали сотиш ваколати Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирининг 2003 йил 10 февралдаги 10-ум сонли буйруғининг 1-иловасига кўра ишлаб чиқилган «Автомототранспортлар воситаларини ким ошди савдоси орқали сотишни тартибга солиш ҳақида»ги Вақтинчалик Низомга биноан бевосита ҳудудий бўлимнинг катта инспектори ва суд ижрочилари томонидан амалга ошириладиган бўлди.

Ижрочиларга бериладиган ҳар бир ваколат ва қўшимча масъулият уларнинг иш ҳажми ортиб боришига олиб келади. 2003 йил давомида суд ижрочилари иш юритувига жами 1 йил давомида 21351 та ижро ҳужжатидан 17544 тасининг ижроси таъминланди. 3807 таси эса жорий йилга қолдиқ бўлиб ўтди.

Маълумки, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунга асосан мажбурий ижро этиш чоралари ҳужжат расмийлаштирилган ҳолда, қарор қабул қилингандан сўнг қўлланилади. Қарздорга ихтиёрий равишда ижро этиш учун белгиланган 5 кунлик муҳлат ўтгандан сўнг, қонуннинг 82-моддасига асосан жисмоний ёки мансабдор шахсларга нисбатан жарима жазоси қўлланиб, мажбурий ижро этиш чоралари белгиланади. Бунга қарздорларнинг мол-мулкини хатлаш ва реализация этиш, ижрони қарздорнинг иш ҳақи, стипендияси, пенсияси ва бошқа турдаги даромадларига қаратиш киради. Ана шу чораларни амалга оширишда Департаментнинг вилоят ҳудудий бўлими томонидан муайян ишлар олиб борилмоқда. Суд ижрочилари талабларини ўз вақтида бажармаганликлари ва нафақа пулларини кўрсатилган муддатларда тўламагани учун 2002 йил мобайнида вилоят бўйича 330 та жисмоний ва мансабдор шахсларга нисбатан жами 3 миллион 350 минг 77 сўмлик жарима солинган бўлиб, унинг 62,2 фоизи давлат фойдасига ундирилди. 2003 йил давомида эса кўрсаткич янада ошди.

Жумладан, Навоий шаҳар суд ижрочилари бўлинмаси томонидан вилоят хўжалик судининг қарздор «Илёс-22» фермер хўжалиги мол-мулки ҳисобидан 13 минг 375 сўм ундириш тўғрисидаги қарорини бажармаганлиги учун унга 22 минг 675 сўм миқдорида жарима жазоси қўлланилиб, тўлиқ ундирилди. Шунингдек, Навоий туман «Нарпай» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси ва бош ҳисобчисига нисбатан Қонунга асосан суд ижрочиси қонуний талабларини узрсиз сабабларга кўра бажармаганлиги учун ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида жарима солинди.

**Бахтиёр САЙФИЕВ,**
**Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш Департаментининг Навоий вилоят ҳудудий бўлими бошлиғи**



*Юртимиз тадбиркор аёллари*

# БОҒЛАР БОЛГА ТЎЛГАНДА

***Лола опа ҳар галгидек барвақт уйғониб, боғ оралашга тушди. У болга тўлган узумлардан узиб, дастурхонга келтириб қўйди. Сўнгра уй-рўзғор юмушларини саранжомлашга киришди. Шу орада фарзанд ва невaралари ҳам дастурхон атрофида тўпланишди.***

Она фарзанд ва невараларига тикилиб қувончдан энтикиб кетди. Сабаби турмуш ўртоғи Хўжан ака билан кўплаб фарзандларни тарбиялаб, вояга етиштирди. Улар жамиятимизнинг муносиб фарзандлари бўлиб етишди. Ҳамқишлоқлари бу оилага ҳавас билан қарашади.

У ёшликдан меҳнат қилиб, ўсиб-улғайди. Жамоа хўжалиги ишлаб чиқаришида звено бошлиғи вазифасида ишлаб, барчага намуна бўлиб келди. Сархил мева ва деҳқончилик экинларидан ўзига хос мактаб яратган фидойи инсонлардан. Айниқса, у 1995 йилда «Ризқ» фермер хўжалигини ташкил этгач ўзининг омилкорлиги ва ишбилармонлиги билан кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозона бошлади.

Лола Эгамова қаерда, қандай шароитда ишламасин доимо йиллик режаларини ортиғи билан уддалаб келди. Ўзи каби ажойиб шогирдлар етиштирди. Ҳозир уларнинг аксарияти ишлаб чиқаришда фидокорона меҳнат қиляпти.

Тадбиркор иш фаолияти давомида ғалла экинларини парваришлаб, мўл ва сара ҳосил етиштириш борасида бой тажриба тўплади. Фермер хўжалигига бошчилик қилиб ҳосилдорликни 32 центнердан 45 центнерга олиб чиқди. У ўз жамоасида мустаҳкам интизом ўрнатди. Кўпчилик ишга онгли, ижодий муносабатда бўлди. Ҳар бир юмушни ўз вақтида сифатли бажариб, сувдан, техникадан ва маҳаллий ўғитлардан унумли фойдаланди.

Уста деҳқон ўз тажрибаларини ҳамкасбларига ҳам кунт билан ўргатди. Қанчадан-қанча ёшлар унинг маслаҳати ва бевосита ёрдами туфайли деҳқончилик экинларидан мўл ҳосил етиштириш сир-синоатларини ўзлаштириб олишди. Шаҳзода Эгамова, Ҳасан Мўминов каби ишчилар ажойиб фазилатлари билан оғизга тушдилар.

Лола опанинг айниқса, тракторчи Сафар Маҳкамовга кўпроқ хизматлари сингди. Зеро, уни ўз жамоасига етаклаб, оёққа турғазган ҳам фермер етакчиси бўлади.

Худди кечагидек ёдида. Эрта кўклам эди. У кўтаринки кайфият билан далага оҳиста одимлаб бораркан, бир чеккада ўйга толган ўсмирга кўзи тушди. Унинг хаёлидан нималар кечаётганлигини ҳис қила олди.

– Ҳорма ука, бироз ташвишлироқ кўринасан? – сўради опа.

– Нимасини айтай, – маъюс гап бошлади С.Маҳкамов, – кейинги вақтларда бирон-бир касбнинг этагини тутиш учун ҳаракат қилиб кўрдим. Иш юришмаяпти. Энди эса қаерда ишлашга ҳайрон бўлиб юрибман.

Опа йигитни фермер хўжалигига бошлаб келди. Ширин сўзини, қимматли маслаҳатини аямади. Ўзи бош бўлиб механизаторлик касбини ўргатди. Мана ҳозирги кунда шогирди ўзининг фидокорона меҳнати билан барчани хурсанд қилмоқда.

Шу кунларда Лола опа бошлиқ «Ризқ» фермер хўжалиги жамоаси ҳар қачонгидан кўра унумли меҳнат қилишмоқда. Мавжуд 10 гектар маккажўхорининг ҳар гектаридан 75 центнердан ҳосил етиштирилди. Бундан ташқари, эл дастурхонига 15 тонна помидор, 12 тонна сабзавот, сархил мева ва узум каби қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берилди. Айни кунларда шартномавий режадан ташқари пишиб етилган ноз-неъматлар пешма-пеш мижозларга жўнатилмоқда. Улар ўзининг сифатлилиги билан барчага маъқул бўлмоқда. Жорий йилда соф фойда 5 миллион сўмни ташкил қилди. Бу эса ўтган йилдагидан 1,5 баровар кўпдир.

Фермер ҳар йили ўз маҳсулотлари билан туман, вилоят ва республика миқёсидаги кўрик-танловларда фаол иштирок этиб келади. «Ташаббус-2003» танловининг республика босқичида фахрли ўринни эгаллади ва диплом билан тақдирланди.

– Тадбиркор фермер кўп йилдан бери ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган оилаларга мурувват кўрсатиб келмоқда, – дейди «Маданият» фуқаролар йиғини раиси Раъно Ҳамроева. – Меҳр ва мурувват йилида 8 та оиланинг ҳар бирига 12 минг сўмдан пул улашилди. Шунингдек, қишлоқ ободончилиги, мактаб ва боғчаларни таъмирлаш учун ўз жамғармаси ҳисобидан маблағ ажратди.

Олтиндек товланган узумларга завқ билан тикилганча опа оҳиста боғ оралайди, иштиёқ билан узумларни яшикларга жойлаётган ишчиларига меҳр билан тикилади. Уларга ғамхўрлик кўрсатиб, унумли меҳнат қилишлари учун шарт-шароитларни муҳайё қилишга интилади. Шунинг учун Ғаллаорол туманидаги «Ризқ» фермер хўжалигининг иши тобора баракали бўлмоқда.

**Абдулла САИДОВ**

**«ПАХТА БАНК»**

# ЗАМОНАВИЙ СЎМ ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

1. «Пахта Банк» сўм пластик карточкаси – Бу Сизнинг ҳамёнингиздир. Республикамизнинг исталган манзилига шу биргина пластик карточка билан бориб келиш имкониятингиз мавжуд.

2. «Пахта Банк» сўм пластик карточка эгалари учун карточкалардаги қолдиқ суммага ҳар ойда 2,5 устама фоиз, ойма-ой капитализация ҳисобига эса йиллик 34,5 фоиз устама даромад ҳисобланади.

3. Сўм пластик карточкасига эга бўлиш учун шахсингизни тасдиқловчи ҳужжат ҳамда банк бошқарувчиси номига ариза билан мурожаат қилсангиз кифоя. Банк маъмурияти Сизнинг ушбу аризангизга асосан 15 дақиқа ичида пластик карточкангизни расмийлаштириб беради.

4. Пластик карточкадан фойдаланиш учун Сиз ўзингиз танлаган ва пластик карт хотирасига киритилган паролдан фойдаланасиз, натижада ўзга шахсларнинг пластик карточкангиздан фойдаланиш эҳтимоли батамом йўқолади.

5. Республика миқёсида дўконларга ва савдо хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминаллар ёрдамида нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўласиз.

6. «Пахта Банк» сўм пластик карточкаси орқали нақд пулсиз равишда коммунал хизмат учун ҳисоб-китоб қилишингиз мумкин.

7. Шартнома асосида таълим олаётган талабаларнинг контракт тўловларини пластик карточка орқали нақд пулсиз амалга оширишингиз мумкин.

8. Метрополитендан фойдаланиш мақсадида йўл кира ҳақини пластик карточка орқали тўлашингиз мумкин.

9. Пластик карточкангиз ҳисоб рақамига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни белгиланган тартибда нақд пулсиз ўтказишингиз мумкин.

10. «Пахта Банк» сўм пластик карточкангизнинг ҳисоб рақамига Республиканинг исталган бурчагида ҳар қандай банкдан туриб ҳам нақд пул топшириш орқали жамғармангизни кўпайтиришингиз мумкин.

11. Пластик карточкангиздаги маблағларни истаган вақтда бутун Республика бўйлаб ўрнатилган банкоматлар орқали нақд пулга айлантиришингиз мумкин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 июлдаги 300-сонли қарорига асосан чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари пластик карточкалар орқали амалга оширилган товар айланмаси ҳажмига нисбатан ялпи даромад солиғини 20 фоизга кам тўлайдилар.

13. «Пахта Банк» сўм пластик карточкангизга доир маълумотларни сир сақланишига ва ҳар ойнинг биринчи кунига фоизли даромадингизни қўшиб боришига кафолат беради.

14. «Пахта Банк» сўм пластик карточкангиздаги маблағларингиз Ўзбекистон Республикаси Фуқароларининг банкдаги омонатларини кафолатлаш Фонди томонидан кафолатланган.

15. Товарларни сотишда ва хизматлар кўрсатишда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бериладиган терминал чеклари, квитанциялар, талонлар, чипталарга ҳамда товарлар ва хизматларга ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларга тенглаштирилади.

*Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллиги олдидан*

**Хожа Аҳрор Валий Марказий Осиё халқларининг тарихи ва маънавиятида, ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида чуқур из қолдирган сиймодир. У нақшбандия тариқатини назарий ва амалий жиҳатдан бойитиб, бу таълимотнинг кенг ёйилишига залворли ҳисса қўшган тарихий шахсдир. Бу улуғ инсон 1404 йилнинг баҳорида Тошкент яқинидаги Боғистон қишлоғида таваллуд топган. Отаси ва бобоси маърифатли кишилар бўлиб, деҳқончилик ва тижорат билан шуғулланганлар.**

# НАВОИЙГА НОМАЛАР

## «Ғамхўрлик қилиш – энг хайрли ишдир» дейилади улардан бирида

Хожа Аҳрор бошланғич маълумотни Тошкент мадрасаларининг бирида олиб, ёшлигидан сафарларда бўлиб, муқаддас жойларни зиёрат қилишга мойиллик кўрсатган. Ёши 20 лардан ошганда билимдон тоғасининг ёрдами билан Самарқандда ўқишни давом эттиради. У кўпроқ тасаввуф илмига қизиқади. Шу мақсадда Ҳиротга бориб таниқли мутасаввуф олимлар суҳбатида бўлади. 1432 йилда Тошкентга қайтиб, нақшбандия тариқатининг йирик арбоби сифатида танилади, айни чоғда деҳқончилик ва тижорат ишлари билан шуғулланади. Мўътабар манбаларда кўрсатилишича, Хожа Аҳрорнинг хўжалик ва тижорат фаолияти тез орада гуркираб кетади. Унинг тасарруфидаги ерлар Тошкент вилоятидан Амударё соҳилларигача бўлган ҳудудни эгаллайди.

Деҳқончилик, чорвачиликдан ташқари Хожа Аҳрорнинг шаҳарларда ҳам ҳунармандчилик расталари, устахоналари бўлган ва булардан ҳам катта даромад олиб турган.

Хожа Аҳрор нафақат Мовароуннаҳр, балки Хуросон, Ҳиндистонга ҳам харидоргир моллар юбориб, савдо қилган. Шуни алоҳида айтиш жоизки, ҳазрат олган даромадининг кўпгина қисмини халқ бошига тушган оғир солиқларни тўлаш, диний ва маданий қурилишларни амалга оширишга сарфлаган. Масалан, Умар Шайх Мирзо Тошкент аҳолисидан 250 минг динор ҳажмида солиқ талаб қилганда Хожа Аҳрор бу маблағнинг ҳаммасини ўзи тўлаб, яна 70 минг динорни солиқ йиғувчиларга топширган. Манбалардан Хожа Аҳрор томонидан Самарқанд, Тошкент ва Қобулда кўплаб мадрасалар қурилганлиги маълум. Нақшбандия тариқатининг асоси ҳам меҳнат қилиш ва айни бир пайтда дил Аллоҳ билан бўлмоқлиги ҳақидаги ҳикмати Хожа Аҳрор томонидан ривожлантирилганлигини қуйидаги сўздан англаш мумкин:

«Ҳазрат Абдулхолиқ Ғиждувоний буюрмишларки, халқнинг оғирини енгил қилмоқ даркор, аммо бунга ҳалол касб билангина эришилади. Қўл иш билан, дил ёр (Аллоҳ) билан» шиори хожагон тариқатида муқаррардир.

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор мамлакат сиёсий ҳаётида ҳам фаол иштирок этган. 1454 йилда темурий шаҳзодалардан бири Абу Саид Мирзо Тошкентда бўлиб, Хожа Аҳрорни ўзига маънавий мададкор деб танийди ва уни Самарқандга кўчириб келтиради. Бу ерда Хожа Аҳрорнинг шаҳзодалар орасидаги низоларни сулҳ билан якунлаб, мамлакатда осойишталик ўрнатишга қаратилган сиёсий фаолияти умр бўйи давом этади.

Хожа Аҳрор Валий 1490 йилда вафот этган ва Самарқандда абадий қўним топган. Аллома қаламига мансуб уч рисола бизгача етиб келган. Улардан бири «Фақарот улорифин» («Орифлар сўзларидан парчалар») номи билан машҳур бўлиб, унда муаллифнинг тариқатга оид фикрларидан намуналар келтирилган. «Рисолаи Волидия» деб номланган иккинчи рисоласини Хожа Аҳрор отасининг илтимосига кўра ёзган. Унда тариқат йўлини танлаган кишининг аҳлоқ-одоби ҳақида сўз юритилади. Мазкур рисола ўз даврида машҳур бўлиб, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийлар у билан яқиндан танишганлар. Заҳириддин Муҳаммад Бобур эса уни форс тилидан ўзбек тилига шеърий таржима қилган. Учинчи рисола «Рисолаи ҳавроия» деб аталиб, машҳур мутасаввуф шоир Абу Саид Абулхайрнинг «Ҳавро» сўзи билан бошланувчи бир рубойисини шарҳлашга бағишланган. Булардан ташқари Хожа Аҳрор томонидан ўз замондошларига ёзилган анчагина руқъа-номалари ҳам бизгача етиб келган. Уларда муаллифнинг ўз даври маънавий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётида тутган ўрни акс этади. Номалар турли тўплам ва маноқиблар саҳифаларидан жой олган. Уларнинг энг муҳими «Мажмуайи муросолот» деб номланган. XV аср дастхатлар тўплами таркибидаги руқъалардир. Тўплам Алишер Навоий буйруғи билан тузилган. Унда Хожа Аҳрорнинг 128 руқъалари мавжуд. Улар Самарқанддан Ҳиротга – Ҳусайн Бойқарога ва аксари Алишер Навоийга йўлланган. Бу ҳақда «Насоим ул-муҳаббат» асарида Навоий шундай деб ёзади: «... аларнинг бу ҳақир ила илтифотлари кўп бор учун ваҳий осор руқъалари билан мушарраф қилиб, ишларга маъмур қилур эрдилар, ул руқъаларни мураққа ясаб, жазва ва таваллуфот била асрармен».

XV асрда Мовароуннаҳр ва Хуросонда иқтисодий, маданий, илм-фан соҳаларида юксалиш даври бўлган. Шу билан бирга Темурийлар давлатининг инқирози ҳам шу даврга тўғри келади. Тахт учун ўзаро курашлар натижасида оддий халқ аҳволи оғирлашган. Ўттизга яқин солиқлар халқни абгор қилган эди. Хожа Аҳрор халқнинг бошидан жабр-зулмни даф этмоқ учун дин ва шариатни дастур қилган ҳолда султонларга мурожаат қилмоқ лозимлигини нақшбандия тариқатининг вазифаларидан бири деб билди. У сарой хизматидан воз кечмоқчи бўлган Алишер Навоийга хат ёзиб шундай дейди: «... Эшитишимча, он ҳазрат, яъни Султонға мулозамат қилишдан гоҳо маломат чекар экансиз. Илтимос шуки, мусулмонларга мадад етказмоқ ва бирор факрнинг дили мушкулликдан халос топиб шод бўлмоғи учун хотири шарифингизни сарой хизматидан узманг... Бирор киши ҳам мусулмонлар ғамини ейишни ўйламай қўйган бу вақтда уларга ғамхўрлик қилиш – энг хайрли ишдир».

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг уламолар, ҳукмдорлар, оддий халқ ўртасидаги нуфузи, обрўси баланд бўлиб, валийлик, яъни авлиёлик мақомига эришган эди. Қирқ йил давомида Темурий ҳукмдорлар Абу Саид ва Султон Аҳмад даврида давлатни идора этишда фаол қатнашди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш тўғрисида алоҳида қарор қабул қилди. Буюк аждодимизнинг авлодларга қолдирган мероси ўзининг муносиб баҳосини олиб, ўзимизга қайтмоқда.

**Мирза Анвар КАРИМОВ**

# ИСПАНИЯДАН КУБОК БИЛАН

*Бугунги ёшлар*

Наманган вилояти олий ўқув юртлари талабаларининг хориждаги тенгдошлари билан ҳар томонлама алоқалари кучайиб бормоқда. Бу ўринда спорт ва илм-фаннинг турли соҳалари бўйича беллашувлар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Яқинда Наманган муҳандислик-педагогика институти талабаларидан бир гуруҳини Испаниянинг Барселона шаҳрида ўтказилган SIFE ёш ижодкорлар танловида муваффақиятли иштирок этганлиги бунинг далилидир. Беш қитъа вакилларидан иборат 36 команда орасида наманганлик талабалар ҳам муваффақиятли қатнашиб ўзларини кўрсатишга муваффақ бўлдилар.

Гуруҳ раҳбари, институт талабалар касаба уюшма қўмитасининг раиси Мавлуда Ражабованинг айтишича, ушбу танлов юқорида таъкидлаб ўтилган Эркин талаба тадбиркорлар жаҳон ташкилотининг ташаббуси билан ҳар йили ўтказиб борилади. Ундан мақсад талабалик давридан бошлабоқ олинган билим ва тушунчаларни ҳаётга, тадбиркорликни ривожлантиришга татбиқ этишдир. Танлов жараёнида талаба ўзи ижод қилган лойиҳани турмушга қандай қўллашни ва ундан келадиган манфаатни исбот қилиб бериши керак. Наманганлик талабалар ўз ишларини америкалик тенгдошлари билан бир қаторда муваффақиятли исботлаб беришга муваффақ бўлдилар.

Ушбу беллашувда айниқса, Ҳаётилла Дарвишев, Феруза Бойбобоева, Мадина Шарипова, Евгения Жуканина, Ҳусан Холбоев ва Санжар Тожибоевлар танлаган касбларининг чинакамига билимдонлари бўлиб етишаётганлигини исботладилар. Шу тариқа улар Наманганга медал, Халқаро беллашув кубоги ва SIFE диплом билан қайтдилар.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



Дўстлик туманидаги Аҳмад Яссавий номли 8-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси Нафиса Жўраева каратэ бўйича Москвада ўтказилган Европа чемпионатида 2-ўринни олиб, кумуш медал соҳиби бўлди.

**Суратда: Н.Жўраева.**

**Б.НОРҚУЛОВ олган сурат**

**Ўтган йил футбол мавсуми ўрталарида Наманганнинг «Навбаҳор» жамоаси сал қолса ўртамиёна жамоалар қаторидан жой оладигандек туюлган бир паллада клуб раҳбарлигини қўлига олган Виктор Жалилов ўзига хос мўъжиза яратди. Кетма-кет зафарли юришлар самараси ўлароқ «Навбаҳор» учинчи ўринни эгаллади ва айтиш жоизки, жуда кўпчилик ўшанда «бу кетишда «Навбаҳор» 2004 йилда чемпионликка асосий даъвогар бўлади» деган хулосага келганди.**

# «НАВБАҲОР» ЯНА УЧИНЧИ ... МИ?



Чиндан ҳам В.Жалилов шогирдлари мавсумни кўтаринки руҳда, муҳими, натижали ўйинлар билан бошлади. Башорат рўёбга чиқадигандек эди гўё. Йўқ, иккинчи даврадан бошлаб қандайдир омадсизлик соя ташлади. Аввал «Трактор»га, куни кеча эса «Локомотив»га бой берилган ўйин клубнинг бу йилги юксак режаларига жиддий путур етказди. Энди чемпионлик ҳақида эмас, иккинчи ўрин хусусида фикр юритиш ҳам эриш бўлиб қолди. Ваҳоланки, темирйўлчиларни мағлуб этишга жуда яқин эди. Ахир олдинда бораётган жамоадан яна нимани кутиш мумкин? Афсуски, аввалига хотиржамликка берилиш, сўнг саросима ва ниҳоят асабийлик оқибатида қўлда турган ғалаба учиб кетди. Якуний ҳисоб – 2:3. «Локомотив» ғалабага бўлган иродани намойиш этгани ҳолда «Навбаҳор» оғзидаги ошни олдириб қўйиб, амалда юксак орзуларини номаълум муддатга кечиктиришга мажбур бўлди.

«Навбаҳор»нинг мағлубияти «Насаф» учун имкониятлар эшигини очиб юборди. Қаршиликлар пароканданликни бошдан кечираётган «Сурхон» меҳмони бўлиб, ўзлари учун керакли натижага эришдилар. Буни ҳисоб ҳам кўрсатиб турибди– 0:5. Аввалги турда Жиззахга «Сўғдиёна» жамоаси билан учрашувга бормаган термизликлар ўз майдонларида ҳам ишончни оқламадилар. Нурсиз ўйин йирик ҳисобдаги мағлубиятни тақдим этди. Қанчалик мантиқсиз туюлмасин барибир айтишга тўғри келади: чамаси, клуб олий лигани тарк этишга хозирликни бошлаб юборган кўринади. Акс ҳолда, бунчаликкача бориб етмаган бўларди.

Чемпионат карвонбошиси «Пахтакор» навбатдаги турда «Сўғдиёна» билан куч синашди. Тўғрироғи, бу ўйин пойтахт футболчилари учун чоршанба куни Жанубий Кореянинг «Сеонгнам Чунма» клуби билан бўладиган такрорий учрашув олдидан ўзига хос машғулот вазифасини ўтади. Айни вақтда 3:1 ҳисобида қозонилган ғалаба «Пахтакор»нинг мавқеини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Андижон»-«Қизилқум» – 2:3, «Машъал» — «Бухоро» – 2:1, «Металлург» — «Трактор» – 2:1, «Нефтчи» — «Самарқанд-Д» – 4:1.

### 22-турдан кейинги вазият

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **1.«Пахтакор»** | **21** | **19** | **2** | **0** | **68-9** | **59** |
| **2.«Нефтчи»** | **22** | **18** | **1** | **3** | **52-24** | **55** |
| **3.«Навбаҳор»** | **21** | **15** | **2** | **4** | **52-18** | **47** |
| 4.«Насаф» | 22 | 14 | 3 | 5 | 48-24 | 45 |
| 5.«Трактор» | 22 | 11 | 1 | 10 | 35-41 | 37 |
| 6.«Локомотив» | 22 | 9 | 6 | 7 | 29-24 | 33 |
| 7.«Бухоро» | 22 | 8 | 3 | 11 | 25-36 | 27 |
| 8.«Сўғдиёна» | 22 | 8 | 2 | 12 | 25-39 | 26 |
| 9.«Қизилқум» | 22 | 6 | 7 | 9 | 27-36 | 25 |
| 10.«Металлург» | 22 | 7 | 3 | 12 | 23-41 | 24 |
| 11.«Сурхон» | 22 | 6 | 2 | 14 | 20-43 | 20 |
| 12.«Машъал» | 22 | 5 | 3 | 14 | 24-36 | 18 |
| **13.«Самарқанд-Д»** | **22** | **4** | **2** | **16** | **18-42** | **14** |
| **14.«Андижон»** | **22** | **4** | **1** | **17** | **25-54** | **12** |

*Алҳазар*

**Хом сут эмган бандалармиз. Йўкса, балоғат ёшига етиб, хали ўн гулидан бир гули очилмаган бу аёл бугун суд залида ўз зурриёди, кўзининг оқу-қароси саналмиш норасида гўдагининг қотили сифатида бўйин эгиб турмасди.**

# ЎЗ ФАРЗАНДИНИНГ ҚОТИЛИ

Воқеа эса шундай кечганди. М. тумандаги чекка қишлоқлардан бирида туғилиб ўсди. Балоғат остонасига етгач, у ҳам тенгқурлари қатори севилди. Севган йигити ҳам ўзига ўхшаган қишлоқ фарзанди. Улар тез-тез дийдор кўришиб туришди. Кунлардан бирида ҳиссиётларини жиловлай олишмади. Оқибатда қиз ҳомиладор бўлиб қолди. Аммо ҳеч кимга чурқ этмади.

Баҳор ўрталарида юз берган кучли тўлғоқ дардидан кўз олди қоронғулашиб, чорасиз қолаётганини ҳис этди. Беихтиёр ҳовлилари чеккасидаги ҳаммом томон юриб кетди. Ўша кечаси бу ерда енгил бўлиб, фарзанд юзини кўрди. Чақалоғи соғ-саломат. Унинг юз-кўзларига тикилган она унсиз йиғлашда давом этарди. «Нима қилиш керак? Бехосдан миясида чарх урган бу саволдан онанинг кўзлари қонга тўлди. У чинқираб турган маъсума гўдакнинг бўйнига чанг солди. Шу тариқа не-не орзу умидлар билан дунёга келган гуноҳсиз, маъсума гўдакнинг қотилига айланди. Мурдани туннинг алламаҳалида олиб чиқди-да, қўшни қишлоқдаги ахлатхонага ташлаб, устидан хас-хашакларни ёпиб қўйди. Довдираб, дирдир титраб изига қайтди. Қоронғулик қаърида уни ҳеч ким кўрмади. У ўз хонасига кириб, бедор тонг оттирди. Аммо эртасига тоби қочиб, тўшакка михланганча ётиб қолди.

Касални яширсанг, иситмаси барибир ошкор этаркан. Тез орада М.нинг кирдикорлари маълум бўлиб қолди. Чақалоғининг ўлими билан боғлиқ қабиҳ ҳаракатлари чок-чокидан сўкилди. Шу ерда яшовчи қўшнининг гувоҳлик беришича, орадан беш-олти кун ўтгач, уйининг орқа томонидаги ахлатхонанинг устидаги ўлик чақалоққа кўзи тушган. У бу ҳақдаги хабарни қўшниларига билдирган. Қайнукаси билан бирга ўликни ит ва мушуклар еб кетмаслиги учун бошқа ерга кўмишган-да, қишлоқ оқсоқоли ва туман ИИБга хабар беришган.

Олиб борилган тезкор-тергов ҳаракатлари натижасида воқеликка ойдинлик киритилди. Чақалоқ қўшни қишлоқлик М.нинг фарзанди эканлиги аниқланди. Шундай қилиб, ўз фарзандининг қотилига айланган онанинг кирдикорлари ошкор бўлди. У суд жараёнида ўз айбига тўла иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини изҳор этди. Жиноят ишлари бўйича Жондор туман суди қотил онанинг хатти-ҳаракатларини атрофлича муҳокама этиб, уни Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддаси билан озодликдан маҳрум қилиш тўғрисидаги тўхтамга келди.

**Анвар ЖЎРАЕВ,**
**Жондор туман прокурори,**
**адлия маслаҳатчиси**

*Турфа олам*

Океан ва денгизлар қадим замонларданоқ озми-кўпми ўз бойликларини инсонга ҳадя этиб келади. Одамлар сув остига тушиб, маржон, садаф, марварид, қаҳрабо сингари қимматбаҳо тошлар қидириб топишган.

Эндиликда эса сув остида қазилма бойликлар излашнинг назарий ва амалий асослари ишлаб чиқилмоқда. Бунда асосий вазифа геология фанининг денгиз геологияси деб аталувчи шохобчаси зиммасига тушади.

Масалан, ҳисоб-китобларга қараганда, океан инсониятни мис билан 6 минг йил, алюминий билан 20 минг йил, кобальт билан 200 минг йил мобайнида таъминлаши мумкин.

## СУВДАГИ ХАЗИНА

Дунё океани соҳил бўйи қисмида 50-100 метрдан то 500 метргача бўлган чуқурлик қисмидаги нефт заҳираси тахминан 180 миллиард тоннадан ошади.

Сув ҳавзалари тубидан кўмир, темир, марганец, олтин, титан, уран, қўрғошин каби қазилма бойлик конлари топилган.

Тахминларга қараганда соҳил бўйи саёзликлари ва сувости конларидаги нефт ва газлар миқдори қуруқликдагидан кўп экан. Илмий тадқиқотлардан маълум бўлишича, денгиз саёзлигининг бир километр энлигидаги қисми сувости конларини қидириш нуқтаи назаридан катта истиқболга эга. Агар илгарилари сув туби кон излаш мақсадида атиги 15 метрча қазилган бўлса, ҳозир 500 метргача чуқурлик пармаланяпти.

Дарвоқе, қазилма бойликлар денгизнинг соҳил бўйи саёзликларидагина эмас, балки 3-6 километрлик анчагина чуқур ерларида ҳам кўп учрайди.

**А.АЛИЕВ**

*Мавзуга қайтиб*

# АФСУСКИ, ЎЗГАРИШ ЙЎҚ

**Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий Дастури тўғрисида»ги Фармонда республикадаги мавжуд мактабларнинг моддий базаларини мустаҳкамлаш назарда тутилган эди. Ўтган фурсат оралиғида таъмирталаб мактаблар махсус комиссия томонидан ўрганилиб, бир қатор ижобий ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, муаммолар ҳали етарли.**

Шаҳрисабз туман халқ таълими бўлими тасаррруфидаги Шоди Шоймов номли мактабнинг авария ҳолати ҳамда таъмирлаш ишлари бошланиб, чала қолдирилганлиги хусусида газетамизнинг 2003 йил 11 апрелдаги сонида «Қурилишлар ўлда-жўлда» сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинганди. Орадан анча вақт ўтди, лекин бу ерда айтарли ўзгариш сезилмади.

«...Иморатлар эскириб, синфхоналар поллари чириб кетган...

Шикастланган мактаб синфхоналарида машғулотлар олиб бориш ман қилинган бўлса-да, ўқитувчилар мажбуран дарс ўтишмоқда...»

Биз юқоридаги сатрларни бекорга келтирмадик. Танқидий мақолада мактаб таъмирланиши бошланиб, қурилишлар сифатсиз бажарилаётганлиги ва муддати ўтиб кетаётганлиги ҳақида сўз юритилган эди. Лекин, биз яқинда мактабда бўлганимизда аҳвол деярли ўзгаришсиз турганлигининг гувоҳи бўлдик. Шиддат билан бошланган таъмирлаш ишлари тўхтаб қолган. Ахир, чала иш, келтирар ташвиш, деган нақл бекорга айтилмаган-ку.

Мактаб коридорларидаги деворлар ёрилиб кетган. Нари-бери сувалган поллардан чанг кўтарилади. Ўқитувчи ва ўқувчилар жуда ноқулай аҳволда машғулот олиб боришмоқда. Ўқитувчилар ва ота-оналар камчиликларни тугатиш ҳақида тегишли ташкилотларга мурожаат қилган бўлсалар-да, амалий ишдан дарак йўқ. Ҳамма нарсанинг ҳам чеки-чегараси бўлганидек, сабрнинг ҳам ниҳояси бор. Ўқувчиларга ёлғон ваъдалар эмас, балки ҳар томонлама қулай, кенг ва ёруғ синфхоналар керак.

**Шавкат СУЛТОН,**
**«Ишонч» мухбири**

**Оиланинг, жамият ва мамлакатнинг тараққиёти аёл ва ёш авлод соғлиги билан боғлиқ. Қорақалпоғистон Республикасида оналик ва болаликни муҳофазалашга қаратилган Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари ва давлат дастурлари изчиллик билан амалга ошириляпти.**

# ОВУЛЛАРДА ЯШОВЧИ АҲОЛИ УЧУН

*Репродуктив саломатлик*

Тиббиёт соҳасидаги ислоҳотлар туфайли Қўнғирот туманида аҳолига хизмат кўрсатишнинг сифат даражаси тубдан яхшиланди, моддий-техника базаси янада мустаҳкамланди.

Шаҳар марказида жойлашган Темирйўлчилар шифоатхонаси биноси Шуманай бекатидан олис Байнеуга қадар 1036 километрлик улкан ҳудудда жойлашган 12 мингга яқин темирйўлчилар ва ўнлаб овулларнинг аҳолисига хизмат кўрсатади. Тизимда ишлаётган шифокорлар ўзларининг бутун куч-ғайратлари, билим ва тажрибаларини одамлар соғлигини муҳофазалашдек шарафли ишга бағишлаганлар.

– Ҳудудимизда яшайдиган аҳолининг етмиш фоизини туғиш ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар ва болалар ташкил этади, – дейди биз билан суҳбатда шифохона мудири, олий тоифали врач, Серсенбой Бекмуродов.– Хотин-қизлар репродуктив саломатлигини яхшилаш бўйича даволаш-профилактика тадбирлари кенг кўламда олиб боріляпти.

Аввало, бир кеча кундузда 300 кишини қабул қилиш имкониятига эга бўлган поликлиникада беморлар учун ҳамма қулайликлар яратилган. Хорижий тиббий ускуналар билан жиҳозланган шифоатхонада касалликларни вақтида аниқлаш, ташҳис қўйиб, қисқа муддатда даволаш имконияти бор.

Юрак-қон томир, кўз, қулоқ, бурун, томоқ касалликлари, акушерлик-гинекология, тиш даволаш, ингаляция, физиотерапия каби 20 дан ортиқ муолажа хоналари фаолият кўрсатяпти. Уларда ишлаётган 22 нафар олий маълумотли шифокор, 43 нафар ҳамшира ва кўплаб ўрта маълумотли тиббиёт ходимлари ҳамиша хизматга камарбаста. Асосий эътибор оилаларда тиббий маданиятни кўтариш, касалликларнинг олдини олиш ва сифатли даволаш ишларини амалга оширишга қаратилган.

Темирйўл шоҳбекатлари ва унинг атрофида минглаб аҳоли истиқомат қилади. Марказдан олисда жойлашган «Қорақалпоғистон», «Ёшлик» ва «Оқжигит» овулларида яшовчи аҳоли учун 2 та амбулатория ва 1 та фельдшерлик маскани очилган. Бундан ташқари малакали врачлар ва ҳамширалардан иборат олти кишилик гуруҳ хонадонларда бўлиб, қариялар, аёллар ва болаларни тиббий кўрикдан ўтказдилар. Касал деб топилганлари шифоатхоналарда даволанди.

Овуллар ва бекатларда яшовчи туғруқ ёшидаги аёллар, оналар ва болалар, нафақахўрлар поликлиника йўлланмаси билан сиҳатгоҳларга юборилияпти. Ўндан ортиқ фахрий темирйўлчиларга бепул тиш протезлари қўйиб берилди. Шоҳбекатлар ва темирйўл тизимида ишлаётган ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимлар тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди.

Шифокорлар томонидан «Соғлом авлод – миллат келажаги», «Репродуктив саломатлик», «Ўсмир қизлар гигиенаси», «Она сутининг мўъжизаси», «Камқонлик касаллиги ва унинг олдини олиш», «Бехатар оналик», «Йод етишмаслигидан сақланинг» мавзусида ўтказилган суҳбатлар ўзининг ижобий самарасини беряпти.

Тиббий маданият юқори бўлган оилада жисмоний ва маънавий баркамол авлод вояга етади. Тажрибали шифокорлардан Гулжон Бауетдинова, Александра Хен, Зийник Сарбоева, Максет Крабаев, малакали ҳамширалар Зайнаб Зоҳирова, Пардахон Султонова, Орзибека Зватдинова кабилар хонадонларнинг санитария ҳолати, одамларнинг соғлиги, аёллар ва ўсмир қизларнинг репродуктив саломатлигини қатъий назоратга олишган. Зурриёд ёшидаги ва ҳомиладор аёлларга қўшимча муолажалар ўтказиляпти.

Саломатлик – туман бойлик. Демографик шароити мураккаблашган Оролбўйидаги оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш, репродуктив саломатликни яхшилаш, жисмоний бақувват, маънавий етук авлоднинг ўсиб-униши учун ғамхўрлик кўрсатиляпти.

**И.ТИЛЛАЕВ**

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Марказий қўмитанинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш бўлими бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедовга турмуш ўртоғи

**Саидахон АЛИҚУЛОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.20

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 8471 Буюртма Г— 817 2 3 4 5 6